SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

XDP O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2018-yil, 13-mart. Seshanba • 23 (32.391) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

## ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИККИ МАМЛАКАТ ТАРИХИДА МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛДИ

**Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9-10 март кунлари давлат ташрифи билан Душанбе шаҳрида бўлди.**

Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга давлат ташрифи кутилганидан ҳам самарали бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ҳал қилинмаган масала қолмади. Дарҳақиқат, музокаралар якунида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Дўстлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, божхона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзоланди.

ЎзА мухбири эришилган келишувлар натижаси ҳақида Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг фикрлари билан қизиқди:

**Ачилбой РАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси:**

— Тожикистон Республикаси ҳудудий жойлашувига биноан мамлакатимизга чегара давлат ҳисобланади. Шундай экан, темир йўл ва автомобиль йўлларимиз бирбири билан боғлиқ. Яъни қўшни давлатнинг асосий юклари Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Сўнгги йилларда Тожикистон томонининг юклари Ўзбекистон ҳудудидан айланиб ўтар эди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, янги қатновлар йўлга қўйилди. Бу борада қўшни мамлакатга ўзига хос чегирмалар тақдим қилдик ва бир тўхтамга келдик. Бу икки мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтиради, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатларимиз ўртасида темир йўл қатновини йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида «Ғалаба — Амузанг — Хошади» темир йўл линияси очилди. Таҳлилларга кўра, бу йўлдан миллионлаб аҳоли фойдаланиши мумкин. Шундай экан, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

**Жамшид ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири:**

— Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи доирасида ташкил қилинган учрашувлар, мулоқотлар самимий ва ўзаро ишонч руҳида ўтди. Мисол учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ва бизнес-форум натижасига кўра, 200 миллион доллардан ортиқ шартномалар имзоланди. Кўргазмада юртимизнинг 100 дан ортиқ корхонаси ўзининг мингдан ортиқ маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Давлат раҳбарларининг учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмасини бир миллиард долларга етказиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Энг муҳим жиҳати, Ўзбекистон ва Тожикистон вилоятлари ўртасида тўғридан-тўғри савдо алоқаларини йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди. Бу мамлакатларимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

**Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири:**

— Тожикистон билан Амударё ҳамда Сирдарё сувларидан фойдаланиб келмоқдамиз. Сув ресурсларидан фойдаланишда халқаро меъёрларга амал қилиш талаб этилади. Бундан ташқари, табиатнинг бу неъматидан самарали фойдаланиш керак. 9-10 март кунлари икки давлат тарихида муҳим кун бўлиб қолди. Чунки сув ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида келишувга эришилди.

Шунингдек, гидроэлектр станциялари қуриш бўйича ҳам нуфузли комиссия тузишга келишиб олинди. Бу қарор нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа иқтисодининг ривожига салмоқли ҳисса қўшади. Янги қурилаётган гидроэлектр станцияси минтақанинг энергетикага бўлган талабини қондиради.

**Туроб ЖЎРАЕВ,
Самарқанд вилояти ҳокими:**

— Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга ташрифи тарихий аҳамият касб этди. Бу икки халқ ўртасидаги алоқаларнинг такомиллашишида муҳим қадам бўлди. Музокаралар якунига кўра, Тожикистон Республикасининг Сўғд ва Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятлари ҳокимларига кенг имкониятлар яратиб берилди. Энди муносабатларда ортиқча расмиятчиликсиз, тўғридан-тўғри телефон орқали боғланиш, ўзларига маъқул бўлган вақтда икки томон ишбилармонлари ўртасида учрашувлар ўтказишга келишиб олинди. Бунинг амалий натижаси сифатида жорий йилнинг апрель ойида Тожикистон тадбиркорлари билан учрашув бўлиб ўтади.

Ташриф доирасида жуда кўп самарали келишувларга эришилди. Биргина мисол: эришилган келишувга кўра, энди фуқаролар мамлакатларда ўттиз кунгача визасиз юриш имкониятига эга бўлади. Бу икки халқ вакилларининг азалдан йўлга қўйилган қариндошлик риштларини янада мустаҳкамлаш, қолаверса, туризмни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**Эркин ТУРДИМОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими:**

— Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга олий даражадаги давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу нафақат икки давлат ўртасида, балки Марказий Осиё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда.

Савдо-иқтисодий соҳаларда икки давлат имкониятлари етарли даражада ривожланмай қолган эди. Мамлакатлар энди бу борада ҳам ўзининг ҳақиқий кўрсаткичларини намоён қилади. Мен ташриф давомида турли соҳаларда имкониятлар бўлатуриб, алоқалар узилиб қолганининг гувоҳи бўлдим. Бу тарихий ташрифни икки халқ вакиллари ҳам интиқлик билан кутган эди. Ташриф доирасида икки халқ манфатларига тўла жавоб берадиган келишувларга эришилди. «Ғалаба — Амузанг — Хошади» темир йўлининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Сурхондарё вилояти Тожикистон билан чегара ҳудуд бўлганлиги учун бугундан бошлаб барча соҳаларда алоқаларни кенг миқёсда ривожлантирамиз.

**Ботир ЗАРИПОВ,
«Ўзқурилишматериаллари» АЖ бошқаруви раиси:**

— Маълумки, мамлакатимизда минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда юздан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кўргазмасида 50 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари билан иштирок этмоқдамиз. Ноёб қурилиш материаллари ҳисобланган гранит, мармар, габбро, травертин тошлари, деворбоп, томёпқич материаллар, базальт тошидан олинган арматуралар, қамиш ўсимлигидан ишланган ДСП каби маҳсулотларимиз тожикистонликларда катта қизиқиш уйғотди. Тожикистоннинг ўнлаб компания ва фирмалари бизнинг қурилиш материалларимизни олиш бўйича шартномалар имзолади.

**ЎзА мухбири
Абу Бакр ЎРОЗОВ
ёзиб олди.**

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ





## КАМЧИЛИКЛАРДАН БУГУН ХУЛОСА ЧИҚАРМАСАК, эртага кеч бўлади

Ислоҳотларни чуқур англамаган партия ходимлари билан узоққа бора олмаслигимизни замоннинг ўзи кўрсатиб бермоқда. Шуни ҳисобга олиб, фаолиятини тўғри йўлга қўя олмаган 6 нафар туман кенгаши раиси лавозимидан озод этилган. 2 нафар туман кенгаши раисига интизомий жазо чораси қўрилган.

2

## «МЕНДА ТАКЛИФ БОР!»

## Сиёсий партияларни молиялаштириш:

### қонунга ўзгартириш киритиш зарур



**Улуғбек ВАФОЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Парламент ва сиёсий партиялар вакиллари иштирокида тузилган ишчи гуруҳлар томонидан ўтган йили жойларда олиб борилган ўрганиш натижалари сиёсий партияларнинг моддий-техник базаси ночор ҳолда эканлиги, ушбу ҳолатни яхшилаш учун катта маблағ талаб этилишини кўрсатди.

Маълумки, сиёсий партиялар қонунчиликка асосан аъзолик бадаллари, тадбиркорлик фаолияти, хайрия ёрдамлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиб келинмоқда. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда сиёсий партияларнинг молиялаштириш манбаларидаги асосий улушни, яъни 70-90 фоизни Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ташкил қилмоқда. Уларнинг катта қисми партия ходимларининг иш ҳақи харажатларига сарфланади.

Давлат бюджетидан сиёсий партияларга маблағлар ажратиш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида низом»га асосан амалга ошириб келинмоқда.

Мазкур Қонуннинг 7-моддаси иккинчи қисмида «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охирги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдорида шакллантирилади», деб кўрсатилган. Яъни, сиёсий партияларни молиялаштириш учун бир йил олдинги энг кам иш ҳақи асос қилиб олинмоқда. Ушбу ҳолат партияларнинг иш ҳақи харажатлари ва уларга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ўртасида номутаносибликни келтириб чиқармоқда.

Бу муаммони бартараф этиш, сиёсий партияларга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар миқдорини ошириш мақсадида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига сиёсий партияларни молиялаштириш учун жорий йилдаги энг кам иш ҳақини асос қилиб олишни назарда тутадиган ўзгартириш киритиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, ушбу модданинг учинчи қисмида «...давлат маблағларини Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда Адлия вазирлиги Қонунчилик палатасига охирги сайловнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган натижалари асосида сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида олган депутатлик ўринлари миқдорига мутаносиб равишда тақсимлайди», деб кўрсатилган.

Бироқ Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида низом»да сайловдан кейин депутатлар сони ўзгарганда, маблағларни сиёсий партиялар ўртасида қайта тақсимлаш, яъни муайян сиёсий партияга ажратиладиган маблағлар миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш белгиланган.

Биринчидан, ушбу ҳолат қонунга зид бўлиб, маблағлар Қонунчилик палатасига охирги сайловнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган натижалари асосида тақсимланиши керак.

Иккинчидан, депутатлар масъул вазифаларга тайинланиши натижасида уларни номзод қилиб кўрсатган сиёсий партияларга ажратиладиган маблағнинг камайтирилиши мантиққа тўғри келмайди. Бундай ҳолат депутатларни юқори лавозимларга тавсия қилиш бўйича сиёсий партияларнинг манфаатдорлигини камайтиради.

Учинчидан, фаолияти талабга жавоб бермайдиган депутатларнинг қонунга мувофиқ чақириб олиниши натижасида сиёсий партияларга ажратиладиган маблағнинг камайтирилиши ўзини оқламайди. Чунки молиявий жиҳатдан зарар кўрмаслик учун партиялар бундай депутатлар билан муроса қилиш позициясига ўтиши мумкин бўлади.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси учинчи қисмига тегишли ўзгартириш киритиш, яъни кейинги даврларда депутатлар сони ўзгаришидан қатъи назар, тегишли маблағлар сиёсий партиялар ўртасида сайловда Қонунчилик палатасида қўлга киритган ўрнига мутаносиб равишда тақсимланишини аниқ белгилаб қўйиш, шу орқали қонун устуворлиги тамойилини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг сессиясида Самарқанд вилояти ҳокимининг 2017 йилда вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи эшитилди.

## Депутатлар ҳоким ҳисоботини эшитди

Таъкидланишича, 2017 йилда вилоят ялпи ички маҳсулоти ҳажми 18 триллион 319 миллиард сўмга етиб, 102 фоиз бажарилган. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланган. Ташқи савдо айланмаси 1 миллиард 96 миллион долларни ташкил этди.

Йил давомида хорижий сармоя иштирокида 56 янги корхона ташкил этилиб, уларнинг сони 291 тага етди. Вилоятдаги 44 давлат мулки объекти инвестиция киритиш шарти билан «ноль» харид қийматида тадбиркорларга берилди. 3 минг 259 кичик бизнес субъекти янгидан фаолият бошлади.

Вилоятни ҳудудий ривожлантириш дастурига асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида 2 минг 252 лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида 20 минг 300 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Инвестиция дастури асосида республика бюджетидан ажратилган 148,6 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 178 ижтимоий соҳа объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ҳисоботда, шунингдек, коммунал соҳа, соғлиқни сақлаш тизими, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ва бошқа йўналишларда бажарилган ишлар қайд этилиб, 2018 йил учун белгиланган устувор вазифалар ҳақида маълумот берилган.

Шунингдек, сессияда 2017 йилдаги фаолияти юзасидан вилоят прокурори ва ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ҳисоботлари, вилоятдаги судлар раисларининг ахборотлари тингланди.

Ҳисоботлар юзасидан депутатлар таклиф ва тавсиялар билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

**F.ХАСАНОВ,
ЎзА мухбири.**

Меҳр кўзда, деганлари рост гап экан, икки қардош халқ томонидан кўпдан буён интизорлик билан кутиб келинган бу ҳаяжонли дақиқалар ҳамманинг қалбини тўлқинлантириб юборди.

МУНОСАБАТ

# ТЎЙ-МАЪРАКАСИ БИР ХАЛҚ



**РАҲМАТ ЖАРҚИНОВ, Ургут туман «Ватак» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:**

— Президентимизнинг Тожикистонга давлат ташрифи икки қардош халқ ўртасида узилиб қолган яқин қўшничилик, қариндош-уруғчилик алоқаларини тиклаш йўлида тарихий қадам бўлди. Айниқса, Самарқанд вилоятининг «Жартепа», Сўғд вилоятининг «Саразм» ўтказиш пунктларининг Самарқанд — Панжакент оралиғида А-377 халқаро автомобиль йўлининг қайта очилиши жуда катта тантанага айланиб кетди. Тадбирда икки вилоятнинг жамоатчилик вакиллари, фаоллар ва чегара ҳудудидаги маҳаллаларда яшовчи аҳоли, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари иштирок этди.

Ишонасизми, Ургут — Панжакент қишлоқлари аҳолиси асрлар бўйи бир-бири билан қуда-андачилик қилиб келади, ҳаммалари қон-қариндош, тўй-маъракаси бир халқ. Узоқ айриликдан кейин бу ерга келган оға-инилар, ёр-биродарлар дийдорлашишди, кўзларда севинч ёшлари билан бир-бирларини қутлашди. Шундоққина биздан 12 километрлик масофада бўлган Сўжина қишлоғида отамнинг жияни Отақул тоға яшарди — у киши билан 20 йилдан буён кўришмаган эдик, икки давлат ўртасидаги йўл очилишини эшитиб, тадбирга етиб келибди. Тоғамни уйимизга, қариндош-уруғларникига олиб бордим, ҳаммалари хурсанд бўлишди. Чегарада жойлашган барча қишлоқлардаги хонадонларга шу кунларда Сўғд вилояти ҳудудидаги қишлоқларда яшаётган қариндош-уруғлар меҳмонга келиб кетишаяпти. Бунинг учун ҳар иккала давлат Президентларига раҳмат айтишаяпти.

Ён қўшнимиз, жон қўшнимиз бўлган тожик халқи билан азалий дўстлик алоқалари яна тикланди, мана, яқинда Самарқанд шаҳрида буюк мутафаккирларимиз — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийга ёдгорлик ўрнатилди. Шу куни «Жартепа» ўтказиш пунктида Ўзбекистон Президентининг Сўғд вилоятига совғаси — Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган автобус топширилди.

«Жартепа — Саразм» ўтказиш пунктларининг ишга туширилиши муносабати билан Сўғд вилояти ҳокими Ражаббой Аҳмадзода томонидан Самарқанд вилояти ҳокими Туробжон Жўраевга «Саразм — Жартепа» ўтказиш пункти орқали қимматбаҳо совға юборилди. Тадбирда Самарқанд вилояти ва Сўғд вилоятининг Панжакент шаҳри ҳокимликлари вакиллари икки халқ ўртасидаги муносабатлар кун сайин мустаҳкамланиб бораётгани, янги давр талаблари асосида ривожланаётганини эътироф этишди. Меҳр кўзда, деганлари рост гап экан, икки қардош халқ томонидан кўпдан буён интизорлик билан кутиб келинган бу ҳаяжонли дақиқалар ҳамманинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Икки мамлакат Президентлари бир-бирларини бағриларига босганида, кўзига ёш қалқмаган одам қолмади. Улар тимсолида гўё ўзбек ва тожик халқлари бир-бирларини бағриларига босди. Бу чинакам дўстлик, қардошликнинг ёркин намойишидир.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.**



# ЮРАКЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН ТАШРИФ



**Фарҳоджон МИРШАРИПОВ, «Сўх» телестудияси раҳбари:**

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 9-10 март кунлари Тожикистонга давлат ташрифини оммавий ахборот воситалари орқали ҳаяжон билан кузатдик. Ушбу ташриф, шубҳасиз, икки қардош халқнинг азалий қадриятлари, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Фарғона вилоятининг тоғли ўлкасида жойлашган Сўх тумани ўзининг табиати, гўзал манзараси, дилбар инсонлари, меҳнаткаш деҳқонлари билан машҳур. Туманимизда 75 мингдан зиёд тожиклар истиқомат қилади. Ўзини Ўзбекистон фарзандиман, деган сўхлик борки, мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзаётган бунёдкорлик, ободончилик ишларига ўз ҳиссасини қўшаётганидан бахтиёр.

Биз чегара ҳудудда яшаганимиз боис бир давлатдан иккинчи давлат ҳудудига ўтиш шу пайтгача қандай азоб бўлганини биламиз. Давлатимиз раҳбари Тожикистонга ташрифи давомида кўплаб тарихий ҳужжатлар имзоланди. Энг муҳимларидан бири бу виза тартибининг соддалаштирилишидир. Жумладан, ушбу ташриф олдидан Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги 10 дан зиёд ўтказиш пунктларининг очилганлиги, бу тадбирларни одамларимиз байрамдек нишонлагани халқларимиз ўртасидаги тотувлик ва дўстликни янада мустаҳкамлайди.

Ушбу тарихий ташриф давомида ўтказилган барча тадбирларни кўриб, айниқса, Душанбе шаҳрининг «Кўҳи Борбад» санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида бўлиб ўтган концерт дастурида Президентимиз халқларимиз дўстлигининг қадим анъаналари бугун сув ва ҳаводек зарурлиги, ушбу бебаҳо меросни асраб-авайлашни давом эттириш ва ривожлантириш келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз эканини таъкидлагани мени чуқур ҳаяжонга солди.

Ташриф жараёнида сездимки, давлатимиз раҳбари ўзининг самимий дил сўзлари, очиқ сиёсати, амалий ҳаракатлари билан Тожикистон халқининг ҳам юрагини забт этди.

# АКА-СИНГИЛ ЙИҒЛАБ БИР-БИРИНИ БАҒРИГА БОСДИ...



**Улуғбек АБДУНАЗАРОВ, Маънавият ва маърифат маркази Бекобод шаҳар бўлими раҳбари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:**

— Тожикистон Республикаси билан чегарадош бўлган Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳар ҳудудида жойлашган «Бекобод-авто» чегара божхона постининг тантанали очилиш маросимида мен ҳам иштирок этдим. Айни шу кундан бошлаб, икки давлат чегара божхона постлари орқали фуқаролар ва автотранспорт воситалари ҳаракати йўлга қўйилди.

Икки қардош халқ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган маросимда божхона пости байрамона безатилди. Эрталаб соат 8:00 дан бошлаб, Бекобод шаҳри ва қўшни туманларда истиқомат қилаётган аҳоли бу масканга кела бошлади. Одамлар чегарадан ўтиб, қайтишлари учун қулай шароит яратиб берилди. Турли хил кўргазмалар ташкил этилди. Унда икки халқнинг миллий маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари намойиш этилди. Байрам дастурхони ёзилди. Ўзбекистон ва Тожикистон томон ош берди. Лента кесиш маросимида Ўзбекистондан Бекобод шаҳар ҳокими ҳамда меҳнат фахрийлари, Тожикистон томондан ҳам ёши улуғ инсонлар ва туман раҳбари иштирок этди. Шундан сўнг катта концерт бошланди. Карнай-сурнайлар чалинди.

Халқларимиз орасида қариндош-уруғчилик чуқур илдиз отган. Бир-бирини анчадан бери кўрмаган яқинлар қучоқлашиб сўрашишди. Яна бир қизиқ жойи лента кесиш учун қайчи ушлаб турган қиз маросим вақтида бирдан йиғлаб юборди. Ҳаммамиз нима бўлганига тушунмай ҳайрон бўлиб қолдик. У Тожикистон томонида акасини кўриб қолибди. Дарҳол югуриб бориб, қучоқлашиб кўришиб, барчамизни тўлқинлантириб юборди. Ўзбекистонда онаси билан яшаётган қиз анча йиллардан бери амакилари билан Тожикистонда қолган акасини кўрмаган экан.

Маросим соат 15:00 га қадар тугатилиши керак эди. Лекин кеч бўлиб қолганига қарамасдан, одамларни қатнови узилмади. Чегара очиқ бўлгани учун улар бир-бирлари билан бемалол кўришди, гаплашди, совғалар, тўн ва белбоғлар беришди. Халқларимиз ўртасида турли хил айтишувлар бўлди. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ижодидан намуналар ўқилди.

Бу тадбирда соғинчлар учрашди. Армонлар ариди. Сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Бир шеърда айтилганидек:

**Инсон билан тирикдир инсон.**
**Муҳаббатдир ҳаётнинг боши,**
**Одамларга бахш этади жон,**
**Одамларнинг меҳр қуёши...**

**Шаҳбоз САИДОВ, ёзиб олди.**

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ





Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

# КАМЧИЛИКЛАРДАН БУГУН ХУЛОСА ЧИҚАРМАСАК, эртага кеч бўлади

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари масъуллари, партия гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

— Ютуқлар ҳақида гапиришдан кўра, фойдаланилмаётган имкониятларимиз ҳақида кўпроқ ўйлашимиз керак, — деди **ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Акмал Турсунбоев.** — Ҳар биримиз ўтган кунимиздан хулоса чиқариб, эртанги кунимиз учун режалар тузсаккина электоратимиз манфаатларини самарали ҳимоялай оламиз. Олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Бу йўл қўйилган камчиликларга кўз юммасдан, уларни самарали ҳал қилиш бўйича пухта таклифлар устида ишлашга ундайди. Тан олиш керакки, бугун бизга тарғибот-ташвиқот ишларида фаоллик етишмаяпти. Биз ҳамон бошланғич ташкилотларимиз ичига кириб бора олмаяпмиз. Ваҳоланки, бошланғич ташкилот партиянинг асосий таянчидир.

Ўтган йили шаҳар ва туман партия ташкилотлари таркибидаги бошланғич партия ташкилотларида аъзолар қайта рўйхатдан ўтказилди. Вилоят бўйича йил давомида 2200 га яқин фуқаро партия аъзолигига қабул қилинди.

Ўйлайманки, пленумдан сўнг вилоятимиздаги барча партия ташкилотлари ўз фаолиятини қайтадан кўриб чиқиб, самарадорликни оширади.

Пленумда **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов** қатнашди ва сўзга чиқди.

— Бугун аҳоли билан мулоқот олиб боришда очиқликка, муаммоларни жойида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди **партия етакчиси**. — Муҳими, одамлар ўзгаришлардан, амалга оширилаётган ислоҳотлардан мамнун. Шу жараёнда биз сиёсий партияларнинг зиммасида катта масъулият борлигини унутмаслигимиз лозим, албатта.

Барча даражадаги партия ташкилотларида кадрлар билан ишлаш, уларнинг салоҳиятини ошириш масаласида янгича ёндашув зарурлигини замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Ходимларнинг наъмунавий одоб-аҳлоқ қоидалари ишлаб чиқилгани ва Марказий Кенгаш ижроия қўмитасининг тегишли қарори билан қабул қилинганидан барчангизнинг хабарингиз бор. Бу ишимизни танқидий-таҳлилий қайта кўриб чиқиш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга омил бўлади.

Ислоҳотларни чуқур англамаган партия ходимлари билан узоққа бора олмаслигимизни замоннинг ўзи кўрсатиб бермоқда. Шуни ҳисобга олиб, фаолиятини тўғри йўлга қўя олмаган 6 нафар туман кенгаши раиси лавозимидан озод этилгани, 2 нафар туман кенгаши раисига интизомий жазо чораси кўрилганига эътибор қаратилди.

— ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиққан, — деди **«Ёш сиёсатчилар» клуби координатори Нодира Муҳаммадкулова.** — Бугунги кунда режага мувофиқ ёшлар билан мулоқотлар ташкил этилмоқда. Партиямизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти ва депутатлар иштирокида ҳududдаги ёшларнинг рўйхати шакллантирилиб, уларнинг яшаш тарзи, нималар билан бандлиги ўрганилди. Бу борадаги ишларимизда тизимлиликни йўлга қўйиш, рақамлар кетидан қувмасдан, масаланинг моҳияти, долзарблиги, асосийси, ечими бўйича аниқ таклифларни шакллантириш муҳим ҳисобланади.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш энг долзарб масалалардан биридир, — деди **Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Жўрабой Қўлдошев**. — Ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда енгил саноат, чарм пойабзал, электротехника соҳасига оид қатор лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотларини эшитиш, депутатлик сўрови институтидан фойдаланишни янада кучайтиришимиз лозим. Қишлоқ оилавий поликлиникаларидаги камчиликларни бартараф этиш, эҳтиёжманд аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлаш йўналишларида аниқ вазифаларни белгилаб олиш талаб этилади.

Пленумда тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

# ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда 2017 йилда белгиланган вазифалар ижроси таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, вилоят партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари сезиларли даражада фаоллашган. Айниқса, бандликни таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалаларида муайян натижаларга эришиляпти.

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партиямиз гуруҳларининг ташаббуси билан 2017 йилда Ҳаракат дастури доирасида жами 40 дан ортиқ масала депутатлик гуруҳлари йиғилишларида, доимий комиссияларда кўриб чиқилган. 30 га яқин масала сессиялар муҳокамасига киритилган.

Партиямиз гуруҳининг ташаббуси билан 2 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботлари халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида эшитилган.

— Фидойи партиядошларимизни ўрнак қилиб кўрсатишимиз керак, — деди **партиямиз фаоли, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зиёвуддин Мансуров.** — Учқўрғонлик партиядошимиз Салимбой Алимбоевга Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани марказидан бўш бино «ноль» қиймат билан берилибди. У айни кунларда қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил қилмоқда. Тарғибот ишларида ана шундай интилувчан юртдошларимизнинг фаолиятидан ҳаётий мисоллар келтирсак, тадбирларимиз янада самарали бўлади, деб ўйлайман.

— Яқинда партия сафидаги ёшлар ташаббуси билан «Китоб — менинг дўстим» лойиҳаси асосида Поп, Косонсой туманларида бўлдик, — деди **«Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Жаҳонгир Абдуллаев**. — Ногиронлиги бўлган тенгдошларимиз хонадонига бориб, китоблар тақдим қилинди. Айниқса, ўқилиши шарт, деб топилган 100 номдаги китоблар юзасидан ўтказилган мунозара барчага манзур бўлди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



# БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ

«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ тизимидаги

**«14-SON RELS PAYVANDLASH POYEZDI UNITAR KORXONASI» ЖАМОАСИ**





ватандошларимизни уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, саховат ва мурувват рамзи бўлган НАВРЎЗ БАЙРАМИ билан муборакбод этади!



Хизматлар лицензияланган.

**«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»**

TDM

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни, соҳа ходимларини азалий ва абадий — **НАВРЎЗИ** олам билан табриклайди!





Маҳсулотлар сертификатланган.

**«УЧҚЎРҒОН ЁҒ»**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни

**НАВРЎЗ АЙЁМИ**

билан кутлайди!




Хизматлар лицензияланган.

**O'ZBEKISTON OVOZI**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Farrux HAMROYEV *(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)*
Tat'yana KISTANOVA *(Bosh muharrir o'rinbosari)*

**Qabulxona** — 233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — 233-12-56
**Reklama va e'lonlar uchun** — 233-47-80, 233-38-55
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338. 14262 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:15.
Topshirilgan vaqti — 01:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Bardambek SA'DULLAYEV**
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Zafar BAKIROV**
**Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6